

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ИСТЕЪДОД”  
ЖАМҒАРМАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**

**ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ  
ҚЎМИТАСИ**

**“КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИ**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

# **«XXI АСР – ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АВЛОД АСРИ»**

худудий илмий-амалий анжумани

## **ТЎПЛАМИ**

*(2015 йил 5-6 июнь)*



**БУХОРО – 2015**

16. РОЛЬ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ В ЖИЗНИ ЛЮДЕЙ С ОСОБЫМИ ПОТРЕБНОСТЯМИ Азимова Ситора Рахимовна, Студентка 2 курса научный руководитель Зокирова З.З. Государственный Университет Мировых Языков 44
17. БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИДОРАВИЙ АРХИВИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР Илмий раҳбар: БДУ Тарих каф. катта ўқитувчиси, Азалшоҳ Ҳамроев Архившунослик йўналиши 3-босқич талабаси Зебинисо Расулова 47
18. DIFFERENCES OF PHRASES USED IN BRITISH AND AMERICAN ENGLISH A.V.Kobilova, BuxDU 49
19. YOSHLAR —MILLATIMIZ BAХТИ! Do'stova S.H, Ne'matov L.A - BMTI 54
20. YOSHLARNI MILLIY QADRIYATLAR RUHIDA TARBIYALASHNING VOSITALARI Do'stova Salima Halimovna, BuxMTI 57
21. АНЬ ЛУ – ШАНЬ ҚЎЗҒОЛОНИ ДАВРИДА ТАН ИМПЕРИЯСИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРИ Латипов Жасур Лазиз ўғли – БухДУ Тарих таълим йўналиши IV босқич талабаси 60
22. САЛБ ЮРИШЛАРИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШДА “ХОРАЗМЛИКЛАР” ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН Орзиев Махмуд Зайниевич – БухДУ Тарих кафедраси катта ўқитувчиси Латипов Жасур Лазиз ўғли – БухДУ Тарих таълим йўналиши IV босқич талабаси 63
23. ЖУНҒОРИЯ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ ЧЎҚОН ВАЛИХОНОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА Ахматов Амонкелди Ҳасанович – Тарих кафедраси II босқич магистранти 66
24. ЧЎҚОН ЧИНГИЗ ВАЛИХОНОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА БОБУР СИЙМОСИ Ахматов А. Ҳ – БухДУ Эргашев М. F — 35-мактаб 70
25. XIX ASR OXIRI XX ASR BOSHLARIDA TURKISTONDAGI XOTIN-QIZLAR TA'LIMI XUSUSIDA D.Sh.Murodova , Bux DU ijtimoiy-iqtisodiy fakulteti o'qituvchisi. M.U.Axmedova, Bux DU ijtimoiy-iqtisodiy fakulteti III kurs talabasi 73
26. MUSTAQILLIK YILLARIDA BUXORO DARVOZALARINING QAYTA TA'MIRLANISHI D.Sh.Murodova , Bux DU ijtimoiy-iqtisodiy fakulteti o'qituvchisi. M.U.Axmedova Bux DU ijtimoiy-iqtisodiy fakulteti III kurs talabasi. 77
27. GLOBALASHUV JARAYONIDA AXBOROT XAVFSIZLIGINING YOSHLAR MA'NAVIYATIGA TA'SIRI Shodiyev G'.SH, Kadirov A.E,28-14 YESTJ guruhi talabasi, BuxMTI 79
28. КОМПЬЮТЕРЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ П.ф.н., доц. Мусаева Н. Н , 6-11 МТЖАБ гуруҳ талабаси Бахронова Ф. П Бухоро мухандислик-технология институти 83
29. ТИЛШУНОСЛИҚДА КЎП МАЪНОЛИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР СЕМАНТИКАСИ Ҳожиева Гулчехра Салимовна Бухоро давлат университети 84

- Компьютер ёрдами билан ўқитиш мунозаравий характери эканлиги;
- Компьютернинг талабаларнинг индивидуал хусусиятларини мослашганлиги
- Ўқитиш жараёнининг оптимал тезкор бошқарилиши;
- Индивидуал ишлар билан бир қаторда гуруҳ ишларини оптимал даражада олиб бориш;
- Талабаларнинг компьютер билан ўзаро муносабатларини универсаллиги субъект-объект, объект-субъект;
- Компьютер билан мулоқотдаги психологик қулайликлар;
- Чекланмаган ўқитиш.

Компьютерли технология мазмуннинг формаллаштирилган моделидан фойдаланишга асосланади. У компьютер хотирасига ёзилган ва телекоммуникацион тармоқ имкониятларидан фойдаланадиган педагогик дастурлар воситасидан иборат.

Таълим мазмунининг ўзига хос хусусияти зарурий ахборотнинг кўп марта катталаштирилиши, ахборот, гиперматн ва мультимедиа, микродунёлар, имитацион ўқитиш, электрон коммуникация (тармоқлар), эксперт тизимларнинг базаларини ўз ичига олган компьютерли инфорацион мухитнинг мавжудлиги. Компьютерли технологияда маълумотлар базаси сифатида, маълумотлар базаси деганда компьютер техникаси ёрдамида ахборотни киритиш, тизимлаштириш, сақлаш ва тасвирлаш тушунилади. Компьютерли технологияда билимлар базаси инфорацион тизим бўлиб, берилган мавзу бўйича қўшимча ахборотга муҳтож бўлмаган ёпиқ тузилмадир. Унинг ҳар бир элементи у билан мантиқий боғлиқ бўлган шу тўпламнинг бошқа элементларига йўналтирилиши мумкин. Мазкур базага тегишли бўлмаган элементларга йўналтириш мумкин эмас. Билимлар базасида ахборотни бундай ташкил қилиш ўқувчига уни ўзига қулай бўлган мантиқда ўрганишга имкон беради.

Ўқувчиларнинг ўқимишлилик даражасини компьютерли тест асосида аниқлаш ва уларнинг психофизик ривожланишига ташҳис қўйиш эксперт тизимлардан фойдаланиш ҳисобига тўлдирилади.

Ахборотни компьютерда тасвирлашнинг бой имкониятлари таълим мазмунини чексиз бойитишга ва ўзгартиришга имкон яратади.

## **ТИЛШУНОСЛИҚДА КўП МАЪНОЛИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР СЕМАНТИКАСИ**

**Ҳожиёва Гулчеҳра Салимовна  
Бухоро давлат университети**

Фразеологизмлар тилнинг бошқа бирликлари сингари ҳар доим ривожланиб, ўзгариб туради, улар динамик хусусиятга эга, акс ҳолда фразеологизмлар штамп ва қолип бирликларга айланиб қолади ва ўзининг семантик-стилистик хусусиятларини маълум даражада йўқотади. Фразеологизмлар ҳам лексик бирликлар каби ўз синоним ва вариант

қаторларига эга, бу уларнинг маъноларини ифода қилишда, тил бойлигини оширишда катта аҳамиятга эга”. [3,214-217]

Тилшуносликда барча тил бирликларига хос бўлган хусусиятлардан бири – бу кўп маънолилиқ бўлиб, айнан шу жиҳат ибораларга, хусусан ранглар воситасида ҳосил бўлган фразеологик бирлик (бундан кейин ФБ)ларга ҳам хосдир. Фразеологизмлар семантик таснифига биноан қуйидаги турларга бўлинади: 1. Фразеологик маъно 2. Фразеологик полисемимия 3. Фразеологик синонимия 4. Фразеологик антонимия 5. Фразеологик омонимия [6.3,7]

Фразеологик бирлик – бу қисман ва тўлиқ кўчма маънога эга бўлган турғун сўз бирикмаларидир. Аммо битта ФБ бир неча маънони ҳам англатиши мумкин. [2,42]

Маълумки, иборалар икки ва ундан ортиқ сўзларнинг синтактик ва семантик жиҳатдан мос келиши ҳолати билан тўлиқ маънога эга бўлиши орқали ясалади. Фразеологияни тилшуносликда маълум аспект деб ифодалаш мумкин ва *фразеологизмларни кўп маънолилигининг учта аниқ хусусияти мавжуд*. Бу уч жиҳат *ФБларнинг кўчма маънога эга бўлиши, қўлланишидаги турғунлик ва кўп қисмлилигидан* иборат.

Фразеологизмларнинг луғавий ва фразеологик маъно муносабати ҳар доим ҳам мос келавермайди, яъни улар турли маъно ҳамда структурага эга бўлиши мумкин. Бу таснифга кўра фразеологизмларда “кўп маънолилиқ” тушунчаси мавжуд. [1,4]

Фразеологик полисемимия, яъни кўп маънолилиқ ибораларда тез-тез учрайдиган, фаол семантик хусусиятлардан ҳисобланади. Бундай иборалар биттадан ортиқ маънони англатиши билан бошқаларидан ажралиб туради. Полисемантик ибораларнинг кўпи икки маънолидир; уч маъноли иборалар ҳам анчагина; бундан ташқари тўрт ва беш маъноли иборалар ҳам бор, аммо улар кўл билан санарли. [6,4]

Мазкур фикрни қуйидаги уч тил (француз, рус, ўзбек тиллари) доирасида ясалган иборалар ҳам тасдиқлайди.

Жумладан, “**passer au bleu**” (“бесследно пропасть”) ибораси битта маъно [“изсиз йўқолмоқ”]ни ифодаласа, “**billet blanc**” (“избирательный бюллетень; невыигравший лотерейный билет”) ибораси икки маънога [“сайлов бюллетени; ўйналмаган лотарея билети”] эга. “**ne connaitre ni le blanc, ni le noir**” (“не отличать чёрного от белого; ничего не знать, не смыслить”) идиомаси фразеологик нуқтаи назардан уч маъноли [“оқу-қоранинг фарқиға бормаслик, ҳаёт тажрибасига эга эмаслик, фикр қилмаслик”] ҳисобланади, “**en conter (en raconter) de vertes**” (“говорить невероятные вещи, что только ни говорить о...; бессовестно лгать; говорить чёрт знает что; говорить грубости, непристойности”) ибораси контекстдаги аҳамиятидан келиб чиқиб, тўрт хил маънони [“ақл бовар қилмайдиган гапларни гапирмоқ; виждонсизларча алдамоқ; ҳақорат қилмоқ; уят гаплар гапирмоқ) тўрт маъноли ФБга мисол бўлиб келади”] ифодаласа, “**dame blanche**” (“женщина в белом; привидение; бутылка белого вина”) идиомаси эса ўзбек тилида беш хил [“оқ момо; кўланка; арвоҳ; фаришта; бир шиша шароб”] маънога эга.

Фразеологик полесемимияда худди лексик полесемимияда бўлганидек, бош (асос) маъно ва ясама (ҳосила) маъно фарқ қилинади. Лексик полесемимияда асос маъно тўғри маънога, ҳосила маъно эса кўчма маънога тенг; фразеологик полесемимияда бундан фарқли равишда, асос маъно ҳам кўчма (образли маъно) бўлади. Чунки ҳар қандай фразеологик маъно устама, кўчма маъно сифатида юзага келади.[6,5]

Полисемантик ибораларда уларнинг маънолари асосан бири иккинчисидан ўсиб чиққан бўлади. Масалан, “**avoir le (du) noir (être dans ses noirs)**” ибораси (быть очень печальным, расстроенным; быть в дурном настроении) икки маъноли бўлиб, [1) “чексиз қайғуда бўлмоқ”; 2) “ёмон қайфиятда бўлмоқ”], иккинчи маъноси биринчи маъносидан ўсиб чиққан, яъни “қайғуси ошиб-тошиб ётган” кишининг “қайфияти ҳам хуфтон бўлади”. Мисол учун:

Аслиятда: Il reprit:

— Qu’importe, d’ailleurs, un peu plus ou un peu moins de génie, puisque tout doit finir!...

— **Vous avez du noir**, aujourd’hui, cher maître.[ 8,97]

Рус тилида: Он продолжал:

— Впрочем, не всё ли равно, немного больше или немного меньше таланта, раз всему на свете приходит конец?..

— **Вы сегодня в дурном настроении**, дорогой метр. [5,295]

Ўзбек тилида: У давом этди:

— Шуниси ҳам борки, — деб давом этди у, — сенинг талантинг борми, йўқми — барибир эмасми, охири ҳаммаси йўқ бўлади!

— Бугун **қайфиятингизнинг мазаси йўқ**, мухтарам устоз. [4,331]

Ўзбек тилидаги *қайфиятингизнинг мазаси йўқ* фразеологизмини *негадир тушкун қайфиятдасиз* шаклида берилса, ҳам услубий жиҳатдан, ҳам мазмунан тўғри таржима амалга оширилган бўлар эди. Чунки *мазаси йўқ* бирикмасини услубий жиҳатдан *соғлигининг мазаси йўқ*, *топиш-тутишининг (даромад) мазаси йўқ* каби ФБларда қўллаш ўринлидир. Гарчанд бу ҳолат фразеологик норманинг бузилиши бўлса-да,[3,274] келтирилган ўғирма ўзига хос тарзда керакли маънони ифодалай олган ҳамда фразеологизмларни индивидуал (ўзига хос) ўхшатиш [7,70-83] (тилда фақат ёзувчининг ўзигагина тегишли бўлган, қиёслаш усулидир)га мисол бўлади.

Баъзи ибораларда уларнинг маъноси бири иккинчиси учун асос вазифасини ўтамайди, ҳар бири ўзича шаклланган бўлади, воқеликдан ҳар хил образ олиш натижасида юзага келади. Фразеологик маънолар бир-биридан ўсиб чиқмаганлигини, жумладан, ибора таркибидаги бир сўз-компонентнинг бошқа-бошқа лексик маънода қатнашуви билан изоҳлаш мумкин. [6,5] Масалан:

**1. dame blanche** ибораси (женщина в белом (привидение); бутылка белого вина) ўзбек тилида лексик таржимада “dame” –“аёл, хоним, бону”, “blanche” эса, “оқ ранг”ни билдиради, аммо фразеологик томондан 1) “хаёлий шарпа, оқ момо, фаришта”, 2) “бир шиша шароб” маъноларини ифодалайди. Биринчи мисолда урғу “аёл”га қаратаётган бўлса, иккинчисида аёл қоматидан нусха олган “шиша”га қаратилмоқда.

2. **être jaune comme du safran** идиомаси (быть жёлтого света; страдать желтухой) 1) “сарик тус олмоқ”, 2) “сарик”қа чалинмоқ” каби фразеологик таржималарга эга. Ҳар иккала вариантда ҳам “сарик” сўзи қатнашган, аммо, уларнинг биринчиси “ранг”га ишора қилса, иккинчиси “касаллик”ни ифодалаб келади.

3. **les gants jaunes** фразеологизми (щеголи, франты) 1) “ўзига бино қўйган одам”, 2) “олифта одам”, 3) “башанг киши” маъноларини англатиб, умуман олганда, “инсон”га қаратилган белги-хусусиятларни ифодалайди. Аммо улар ўз навбатида “манманлик”, “озодалик” ва “бадавлатлик” каби бир-биридан бутунлай йироқ тушунчаларни, маъноларни англатади.

Умуман олганда, маънолари бири иккичисидан ўсиб чиқмаган ибораларда маъно тараққиёти омонимияга жуда яқин туради. [6,5]

Юқоридаги мисоллар асосида ранглар воситасида ҳосил бўлган француз Фбларининг рус ва ўзбек тиллардаги эквивалентлари ҳамда уларнинг таржимада бир неча маъно англата олиш хусусияти ўрганилиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

1. Француз тилидаги ибораларда полисемемия ходисаси кўп учрайди;
2. Кўп маъноли фразеологизмлар маъноси икки усулда изоҳланади:
  - Бири иккинчисидан ўсиб чиққан ФБлар;
  - Ҳар бири ўзича шаклланган ФБлар.
3. Ранглар воситасида ҳосил бўлган ФБлар бир вақтда бир неча (икки, уч, тўрт ва бештагача) маъно ифодалаш хусусиятига эга.
4. Кўп маъноли ибораларнинг қандай маъно ифодалашини уларнинг котекстдаги мазмунидан келиб чиқади.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Имяминова Ш.С. Немис тили фразеологияси. MUMTOZ SO'Z, T., 2011.
2. Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. М., 1972. Назарян А.Т. Фразеология современного французского языка. М., 1987.
3. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. Т., 1991.
4. Мопассан Ги де. Ҳаёт. Азизим. Новеллалар. И. Фафуров тарж., Ғ. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1987.
5. Мопассан Ги де. Милый друг. Перевод Н. Любимова, – 2-е изд., Фрунзе, Кыргызстан, 1983.
6. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. Қомуслар Бош таҳририяти, Т., 1992.
7. Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. М., Л., 1964.
8. Maupassant Guy. Bel-Ami. М., ВШ, 1981.

#### **Annotation**

The article of G. Hojiyeva "Semantics of variety meanings of phraseologics in the linguistics" is devoted to the Russian and Uzbek comparative phraseological units formed by the meanings of colors.